

Тинчлик ва осойишталик хавфсизлигимизнинг муҳим кафолатидир

Рахимов Бахтиёр Эшқуватович. , Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида Маразий Осиё ҳудудида тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги сиёсатининг мазмун моҳияти очиб берилади. Мамлакат осойишталик ва хавфсизлигини таъминлашнинг принципи, стратегик ҳамда комплекс чоратadbирлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар. Конституция, миллий давлатчилик, маънавият, стратегия, тинчлик, барқарорлик, фаровонлик, қадриятлар, миллий ғоя.

РЕЗЮМЕ. В данной статье речь идет сути и значении политики Узбекистана в обеспечении мира и стабильности в регионе Центрально Азии. А также, раскрывается принципы, стратегические и комплексные меры в обеспечении безопасности и стабильности внутри страны.

Ключевые слова. Конституция, национальная государственность, духовность, стратегия, спокойствие, стабильность, благополучие, ценности, национальная идеология.

SUMMARY. This article deals with the essence and significance of the policy of Uzbekistan in ensuring peace and stability in the region of Central Asia. Also, disclosed principles, strategic and comprehensive measures to ensure security and stability in the country.

Keywords. The Constitution, national statehood, spirituality, strategy, tranquility, stability, prosperity, values, national ideology.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда янги ҳаёт, миллий давлатчилигимизнинг янги, мустақкам пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш энг долзарб масалага айланди. Чунки, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимиз, бунёдкорлик ишларимизнинг самарадорлиги биринчи навбатда халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, кўп асрлик миллий анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим-тарбия соҳаларининг ривожланишида стратегик муҳим вазифлар қаторидан жой олганлиги барчамизга аён. Буларнинг барчаси жамият фуқаролари тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан чамбарчас боғлиқди.

Шу боисдан ҳам, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айнаи замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди. Таъкидлаш жоизки, бу жараён юртимизда ўта мураккаб шароитда - мустабид шўро тузуми барбод бўлган ва янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган кескин бир вазиятда юз берди. Мана шундай ўта қалтис ва мураккаб бир даврда юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни асраб қолиш, Марказдан бўлаётган турли зарарли таъсирлардан халқимизни ҳимоя қилиш, ўз мустақил сиёсатимизни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида 1990 йилнинг 24 март куни республика

Олий Кенгашининг биринчи сессиясида президентлик бошқаруви жорий этилди. Таъкидлаш жоизки, ўшанда СССР ҳудудидаги республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда мана шундай юксак лавозим жорий этилган ва шу тариқа биз юртимизни мустақиллик йўлига бошлаган дастлабки қадамни қўйган эдик (1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б. 52.) Ҳа, албатта, Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик хавфсизлигини кафолатлашда президентлик бошқарувини ташки этилиши энг катта муҳим сиёсий воқеа бўлди.

Шу билан бирга, тарихан жуда қисқа муддатда Асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу қомусий ҳужжатда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодаб берилди. Бутун дунё ҳуқуқий демократик давлатларида тан олинган давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойиллари жорий қилинди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди.

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлининг 25 йиллигида жуда кўп мураккаб ва таҳликали замонларни ўз бошидан кечирди. Жаҳоннинг турли нуқталарида нотинчлик ва қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётгани барчамизга маълум. Айниқса, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар – бу Афғонистонда 37 йилдан ортиқ давом этаётган уруш барча давлат раҳбарларини хушёрликка давъат қилмоқда. Афғон фожиасини бошқалардан ҳам кўра унга яқин бўлган ўзбек халқининг ҳам тинч ва фаровон турмушига салбий таъсирини ўтказди. Бу борадаги Ўзбекистон ўз қатъий позициясига ва ёндашувига эга эканлигини барча давлат раҳбарларига маълум. Чунки, бу борада давлатимиз раҳбари кўп маротаба нуфузли халқаро минбарлардан туриб, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги позициясини аниқ ва равшан баён қилиб берган.

Ўзбекистон ён қўшниси бўлган Афғонистон давлатининг ички ишларига аралашмаслик, афғон халқи ишонч билдириб сайлаган ҳукумат билан ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, тинч-тотув бўлиб яшашни ўзига маъқул деб билади. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналиши этиб белгилаб олган. Шу билан бирга Ўзбекистон интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратади. “Минтақамиздаги ҳозирги мавжуд аҳволни реал ва холис баҳолаш эканмиз, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш борасида давом этаётган ижобий жараёнлар билан бир қаторда, минтақада стратегик мавҳумлик сақланиб қолаётганини ҳам тан олишга тўғри келади”.(2 Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 38.)

“Ўзбекистонда яшаётган барча аҳолининг туб манфаатлари, тинчлиги, осойишталиги ҳисобга олинган ҳолда ўзига хос ижтимоий сиёсат юритилмоқда. қўллашимиз мумкин. Бизга тинчлик ва осойишталик керак. Биз ҳар бир оиланинг тинч-тотув яшаши тарафдоримиз ва шунга интилаётган, шунини таъминлайдиган сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз. Яна бир бор сизларга мурожаат қиламан. Шундай оғир синовдан ўтаётган бир пайтда халқимиз сабр-тоқат ва бардош билан, вазмин бўлиб, тинчликни сақлаш мақсадида жипслашиши керак. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш керак. Тинчликни бузаётган, ўз манфаатини кўзлаётган ҳар хил шахсларга, муттаҳамларга қулоқ солмасдан, халқимиз ўзи танлаган йўлдан қолмаслиги керак. Юртимиз, халқимиз тарихда жуда кўп синовлардан юзи ёруғ бўлиб чиққанмиз”(3.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, - 2011. –Б. 368.).

Шу муносабат билан қабул қилинаётган давлат дастурларида қуйидаги устувор йўналишларга

алоҳида эътибор қаратилмоқда:

Биринчидан, Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш;

Иккинчидан, бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш; (4.Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. 21-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 112. бет)

Учинчидан, бугун диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлган инсонларни эътиборсиз қолдирмаслик;

Тўртинчидан, биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамisha эътиборимиз марказида туриши;

Бешинчидан, ўзаро манфаатларга жавоб берадиган, минтақамизда ва бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлашга хизмат қиладиган муносабатларни ривожлантириш, барча можароларни тинч йўл билан ечишга ўз ҳиссамизни қўшиш, шу аснода ўз фаоллигимизни янада оширишни устувор вазифа сифатидан белгилаш;

Олтинчидан, бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узоқ ён-атрофимизда, минтақамизда кўпдан буён давом этаётган низо ва қарама-қаршилик, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо огоҳ, доимо хушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшашимизни, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай хавф-хатарларни олдини олишга эришишимиз лозим;

Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш бўйича ўзига хос стратегия қабул қилинган бўлиб, у бир неча босқичларни ўз ичига олади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интилаётган бошқа давлатлар қатори ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага қўяётган талаб ва саволларга тўлиқ жавоб берадиган, аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо етмоқда.

Бу стратегия авваламбор тажрибада ўзини оқлаган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, ижтимоий ўзгаришларни чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, тинчликсевар ташқи сиёсат юритиш ва жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашишга қаратилган йўлимизни бундан буён ҳам изчил давом еттиришни таъминлаши муҳим аҳамият касб этади. Будаё ўзгаришларни, аввало, юртимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик, сиёсий-ижтимоий барқарорлик ҳукм сураётганида, мавжуд қийинчиликларга қарамай, жамиятимизнинг барча соҳаларининг ривожланиш суръатлари ўсиб бораётганида яққол кўришимиз мумкин.

Эзгу мақсад ва ниятларимизга эришишнинг энг муҳим шarti - бу юртимиздаги тинчлик, осойишталикни сақлаш, бугун авжига чиқаётган террорчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик, ақидапарастлик каби хавф-хатарлардан огоҳ бўлиш, бир сўз билан айтганда, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз кераклигини яна бир бор таъкидлаб ўтишни ўринлидир. “Ўз уйингни ўзинг асра” деган шиорда жуда катта маъно-мазмун яширинган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, барча жойларда хавфсизлик, тинчликни таъминлашда фуқароларнинг хушёр, огоҳ бўлиб яшаши, бир биридан хабар олиши, ўзаро ёрдам бериши эндиликда кундалик иш ва амалий ҳаракатга айланди. “Энг аввало, террорчилик хавфининг жирканч башарасига тик қараб, уни фош этишимиз, бу бало-қазони ўз номи билан аташимиз даркор. Айрим маҳаллаларда турли уйдирма гаплар, варақалар тарқатаётган,

ўғрилиқ, бузғунчилик қилаётган ғаразли кимсаларнинг, дин номидан қабих ният билан даъват юргизаётган баъзи бир бемаза одамларнинг кирдикорларига бепарво бўлиб чидаб юришнинг ўзи бундай қора ниятли кимсаларга кўмак беришдир, деб билишимиз керак. Афсуски, баъзи одамлар мана шундай бемаъни ишларни кўриб кўрмасликка олади, бунинг менга бевосита дахли йўқ, деб ўйлайди. Ваҳоланки, бу каби беғамлик қандай аянчли оқибатларга, оғир фожиаларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу аччиқ ҳақиқатнинг исботини ўз ҳаётимизда ҳам, бошқа мамлакатлар мисолида ҳам яққол кўриб турибмиз (Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 52.)”.

Дарҳақиқат, тинчликни сақлаш, уни мустаҳкамлаш кундалик ишимиз, муқаддас бурчимиз экан, ҳар қайси фуқаро, аввало, ўз вазифасини виждонан адо этиши, шу билан бирга, ғаразли мақсадда қилинаётган ахборот хуружларга, уйдирма ва миш-мишларга берилмасдан, содир бўлаётган воқеаларга очиқ кўз билан қараши, ўз уйи, ўз маҳалласи, шаҳар-қишлоғида осойишталик барқарор бўлиши учун жон куйдириши, мана шу ҳақиқатни чуқур англаб, огоҳлик ва ҳушёрликни ўз ҳаётининг мезонига айлантириши зарур деб ўйлаймиз.

Почтовый адрес (обязательно с индексом) и ФИО получателя. Мусаев Мансур Турсунпулатович. Республика Узбекистан, г.Ташкент, Чиланзарский район, 9-квартал, 2-дом, 40-кв. Индекс: 100124 Сотовый телефон: +99894 6496407 E-mail: musman1977@mail.ru

С уважением,

Мансур Мусаев Турсунпўлатович.